

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ФУҚАРОЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН

КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Аббос Аъзамович Хўжаев — 38 ёшда. Нисбатан ёш бўлишига қарамай, анча катта ҳаёт йўлини босиб ўтган. 1983 йили Тошкент политехника институтининг сановат ва фуқаро қурилиши факультетини тугатиб, шу институтда стажёр-тадқиқотчи бўлиб қолди. 1989 йили фан номзоди диссертациясини ёқлаган бўлса, 1998 йили докторлик илмий даражасига эришди.



Шу йилнинг апрель ойидан эса А. Хўжаев Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежи директори лавозимида ишламоқда.

— Республикаимиз Президентни Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг шахсан ўзлари коллежимизни тантанали вазиётда очиб берганлари, — дейди Аббос Аъзамович, — зиммамга юкланган вазифамдан нақадар масъулиятлилигини чуқур ҳис этишимга жиддий асос бўлади.

Биз сайловчилар ташаббускор гуруҳи **2-Октябр сайлов округидан** Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатиб, Аббос Аъзамовичга юксак ишонч билдирилганини таъкидлаб, ундан сайловолди дастури тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.

— Шу мамлакат фуқароси ва қурилиш соҳаси мутахассиси сифатида мени бир муаммо қийнаб келади. Масалан, муаззам Тошкентимиздаги энг хашаматли, замонавий, осмонўпар биноларни бизнинг қурувчиларимиз эмас, хорижий бунёдкорлар қуришди. Негиз шундай?

Албатта, бунинг объектив сабаблари бор. Бизнинг кадрлар тайёрлаш тизимимиз кўп вақтлар давомида жаҳон андозалари талабидан анча паст бўлиб келган. Фақат Истиклол туфайлигина бу борада чуқур ўйлаб, туб ислохотлар йўли танланди. Бизнинг коллежимиз шу йўлдаги амалий тадбирларнинг бири бўлиб, Юртбошимиз ғояларига кўра у шу йўналишдаги барча коллежлар учун таъриба майдони бўлиб қолиши керак.

Лекин масаланинг иккинчи жиҳати борки, уни мамлакат парламентида ҳал этиш керак бўлади. Менинг назаримда Миллий дастур яратилди-ю лекин уни амалга оширишнинг ҳуқуқий шарт-шароитлари тўла ҳал этилгани йўқ. Бу эса, қўйилган мақсадларимизнинг баҳарлишига тўсик бўляпти.

Масалан таълим тизими, айниқса, касб-хунар коллежларини олайлик. Ғарбий Европада, АҚШда уларнинг ҳомиёлари ва ҳомийлар кенгашлари бор. Бизда эса — йўқ. Негиз? Оқибатда шу коллежларни битирувчиларни ишга қабул қилиб олувчилар уларни тайёрлаш жараёнидан четда қолиб кетишяпти. Кадрлар тайёрлашда қатнашишни хоҳловчилар кўп.

Лекин ҳозирча бунинг ҳуқуқий омиллари ишлаб чиқилмаган. Яъни ҳомиёлар мактаб, коллежларга ёрдам беришга ва боз устига шу ёрдам пули ҳисобидан ҳам солиқ тўлаша — бунга тушуниш қийин. Хорижда эса, ҳомиёллик ҳаракати имтиёзлар орқали ҳар томонлама рағбатлантирилади. Бизда ҳам шундай ҳуқуқий шароитлар яратилиши керак...

Мустақил номзодлар — Сиз танлаган номзодлар!

СОҒЛОМ АВЛОД — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Пойтахтдаги тез тиббий ёрдам клиник касалхонасини билмайди-ганлар топилмаса керак. Зеро, бу ерга зудлик билан ёрдам кўрсатилиши керак бўлган беморлар келтирилади.



Бу улкан шифо маскани тиббиёт фанлари номзоди, ўз касбининг фидойиси, истеъдодли ташкилотчи Тоҳир Мирхўжаевич Миродилов раҳбарлик қилиб келаётган йиллар давомида ҳар жиҳатдан кенгайди, малакали тиббиёт кадрлари билан бойиди.

— Бизнинг шифохонамизда, — дейди Тоҳир ака биз билан суҳбатда, — лаҳзалар инсон ҳаётини ҳал этади. Шунинг учун тезкор тиббий ёрдам ҳам малакали, ҳам вақтида бўлиши керак.

Шунинг учун ҳам бош шифокор касалхонанинг барча бўлимларини қайта ташкил этди. Даволаш қорусларининг ҳаммаси капитал таъмирдан чиқарилди, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Айниқса, жаҳон андозаларига мос келадиган 200 ўринли замонавий жаррохлик биносининг ишга туширилиши инсонларга фамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

...Фуқаролар ташаббускор гуруҳи томонидан **3-Ақмал Иқромов сайлов округидан** Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатилган Тоҳир Миродиловнинг сайловолди дастури билан танишамиз. Мана, улардан баъзи бандлар:

— мамлакат парламентида халқимизнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жамиятимиз соғлом авлодлардан иборат бўлишини таъминлайдиган қонунлар ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши, мавжудларнинг такомиллаштирилиши учун курашаман;

— кесаллар, ногиронлар, гўдаклар, умуман, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар аъзоларининг дори-дармонлардан бепул ва имтиёзли фойдаланишлари, мулкий шаклдан қатъий назар ҳар қандай касалхоналарда уларнинг бепул даволанишларига доир қонунлар, меъёрий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши ва амалда ҳамма ерда сўзсиз баҳарлишига эришишга ҳаракат қиламан;

— миллати, жинси, ирки ва диний эътиқодидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кадр-қиммати камситилишига йўл қўймаслик йўлида хизматимни аямайман...

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ҚУДРАТЛИ КУЧ

...Испанияда бўлиб ўтган Халқаро танловда «Қизил тонг» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти I даражали диплом билан тақдирланди. Енгил сановат тармоғининг етакчи корхоналаридан бири бўлган мазкур жамият маҳсулотлари харидорларига билан ажралиб туради. Бу маҳсулотлар эндиликда хорижа ҳам чиқариляпти. Бозор муносабатларига ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, корхона жамоаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўламини кундан-кунга кенгайтириб боришга эришиб келмоқда.



Ҳиссадорлик жамияти эришарган муваффақиятлар кўп жиҳатдан ишбилармон раҳбар, иқтидорли ташкилотчи Хайрулла Асадович Акбаровнинг қизгин фаолияти билан боғлиқ. Бош корхонада «Клекнер ИНА» француз фирмаси билан бирга ўтказилган катта қайта тиклаш ишлари ҳамда цехларнинг Европа етакчи фирмаларининг энг замонавий ускуналари билан жиҳозланиши, ишчи-хизматчилар учун барча маданий-маиший шароитларнинг яратиб қўйилганлиги қутулган катта натижаларни берапти.

Хайрулла Акбаров катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, ўзининг бутун онгли фаолиятини республикамизда енгил сановат тармоғининг ривожланишига бахш этган ташаббускор муҳандис-технолог, иқтидорли ташкилотчи сифатида танланган. Енгил сановат вазирининг ўринбосари тикувчилик-трикотаж сановати бош бошқармасининг бошлиғи сифатида у бутун тармоқ ривожига улкан ҳисса қўшган. Кўп йиллик таърибага эга ҳамда иқтисодий илми ва амалиётининг чуқур билимдон бўлган Хайрулла ака иқтисод соҳасини эркинлаштириш, хусусий мулк эгалари фаолиятини кенгайтириш, уларга қулай ҳуқуқий-иқтисодий шароитларни яратиш, малакали меҳнат нуфузини кескин ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг иқтисодий фаолигини ошириш муаммоларини ҳал этиш тарафдори.

Фуқаролар ташаббускор гуруҳи томонидан **8-Миробод сайлов округидан** Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган Хайрулла Асадович Акбаров юқоридаги муаммолар бўйича парламентнинг қонунчилик фаолиятида фаол қатнашиш, мамлакат ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида бор куч-ғайратини сарфлаш ниятида.

«КОРХОНАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ДЕМАҚДИР»

— Кучли иқтисодийсиз кучли давлат ва тўқ-фаровон халқ бўлмайди, — дейди **8-Миробод сайлов округидан** Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган Дилдор Маҳмутовна Алимбекова. — Шунинг учун ҳам мен иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар ва товар ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама рағбатлантирувчи қонунларнинг қабул қилинишини, уларнинг самарали ишлаши таъминлини учун кураш олиб бораман. Қабул қилиниши учун мен курашадиган қонунлар истеъмол бозорларимизни арзон ва сифатли буюмлар ва маҳсулотлар билан тўлдирлиши хоҳловчилар учун барча шароитларни яратиб бериши, иқтисодий тараққиёт қийинчиликларидан ҳамда ҳуқуқий билимсизликдан фойдаланиб, чўнтақларини қаппайтирувчилардан уларни ҳимоя қилиши керак.



... Тошкент халқ хўжалиги институтини 1976 йилда тугаллаган Дилдор Алимбекова аввал собиқ Бунитти-фок аҳоли эҳтиёжини ўрганиш институтини илмий ходим, сўнг республика Енгил сановат вазирлигидашу ма-сала-лар бўйича бўлим мудир бўлиб ишлади. Ортирилган бой таъриба уни тикувчилик кичик корхонасини очиб, уни машҳур «Дримс» фирмасига айлантиришида қўл келди. Эл-юрт, халқ ташвиши, айниқса, аилларга бўлган меҳр-муруват эса, уни Ўзбекистон «Тадбиркор аёл» уюшмасини ташкил этишга даъват этди. Републикамизда юзлаб тадбиркор аёллар уюшма ёрдамида қўллаб-қувватлаши туфайли истеъмол бозорини тўлдиршига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Хамма вилаятларда, кўпгина шаҳар-туманларда уюшманинг бўлимлари фаол ишлаб турибди.

— Аёл сифатида ва шу аёлларнинг ташаббускор ҳам-да фаол қисмидан ташкил топган уюшма раҳбари сифатида, — дейди Дилдор Маҳмутовна, — мен агарда депутатликка сайлансам аёллар йили деб эълон қилинган 1999 йилда бошланган эзгуликлар, енгилликларнинг доимий давом этиши тарафдори бўлишим зарур деб ҳисоблайман. Хотин-қизларнинг жамиятдаги макени кўтариш, уларнинг ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштироклари учун, оилада фарзандларни муносиб тарбиялашлари учун барча шароитлар, жумладан ҳуқуқий асосларни яратишга қаратилган, аёллар ҳақ-ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўймайдиган қонунлар ва бош-қа меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинишига доир так-лифларни Олий Мажлис олдида қўяман. Бу менинг сайло-волди дастуриمنىнг асосий бандларидир...

Мустақил номзодлар — бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилган, кенг жамоатчиликка яхши таниш, халқ ичидан чиққан ва элга яқин кишилар.

ФАРОВОНЛИК — БОШ ШИОРИМИЗ

Пойтахтдаги 1-нон заводи асосида «Тан-сик нон» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Лекин унинг маҳсулотлари ҳамшаҳарларимизга маълум ва машҳур. Бунинг устига маҳсулот турлари ҳам тинимсиз кўпайиб, ҳозирда 40 хилга етди.



— Ҳозирги вақтда ҳақиқий рақобат муҳити, яратилган соҳа — бу новвойлик, нон маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш соҳаси, — дейди ҳис-садорлик жамияти раиси Файзулла Фатхуллаев-ич Нурматов. — Шунинг учун ҳам тинмай из-ланиш, харидорларга янги-янги маҳсулот тур-ларини тақлиф этишимиз керак бўляпти.

Яхши ташкилотчи, бутун умрини шу соҳа ривожига бағишлаган таърибали мутахассис Ф. Нурматовнинг бозор талабларини яхши тушу-ниши, янгиликка интилувчанлиги ҳамда жа-моани ягона мақсадга йўналтиришга қулай-ту-файли корхона илғорлар сафидан мустаҳкам жой олди. Авваллари кунига 20 тонна маҳсу-лот ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бу кўр-саткич 50 тоннага етди.


Ҳиссадорлик жамияти жамоаси Миробод ту-манидаги меҳрибонлик уйлари, Кўзи оғизлар жамияти корхоналарининг яқин мураббийсига айланган. Жамоа уларни турли байрамлар му-носабати билан ва умуман яхши кунларда бе-пул хизматлар билан хушнуд этиб туради.

Шунинг учун ҳам сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан Ф. Нурматовнинг **9-Файзобод сайлов округидан** Олий Маж-лис депутатлигига номзод этиб кўрсатилиши бе-ҳиз эмас. Бундай юксак ишонч масъулият-ини чуқур ҳис этган номзод сайловолди да-стурида халқ фаровонлигини ошириш, мамла-кат иқтисодийетини тараққий эттиришга алоҳи-да эътибор берган.

— Мен парламентда қатнашадиган бўлсам, — дейди у, — бозор муносабатларининг тўла шаклланишини, кичик, ўрта ва кўп саноат тад-биркорлигининг иқтисодийетимиздаги салмоғи-ни кескин кўтариш, мулкдорларнинг ҳақ-ху-қуқларини қатъий ҳимоя қилинишини таъмин-лашда етишмаётган қонунларнинг тезроқ иш-лаб чиқиши ва қабул қилиниши учун ку-рашган бўлардим. Яна аҳолини янги иш жойла-ри билан таъминлашга эътибори қаратардим. Зеро, ишсизликнинг асосий сабаби иш ўрин-ларининг камлиги эмас, кўп жиҳатдан аҳоли-нинг мустақил тадбиркорлик билан шуғулла-нишига тайёр эмаслиги ҳамда бозор муноса-батларини ривожлантиришга халал берувчи қу-чларнинг мавжудлигидир, деб биламан.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Фуқаролар ташаб-бускор гуруҳи томони-дан **13-Сергели сай-лов округидан** Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлиси депу-татлигига номзод қи-либ кўрсатилган Сат-тор Аҳмедович Ибра-гимов 30 йил давоми-да ўрта таълим мак-таблари, хунар-техни-ка билим юртида ёш авлод тарбияси билан шуғулланиб келди.



Шу йилларнинг кўп қисмида у ўрта мактаб-лар педагогик жамоаларига раҳбар, хунар-тех-ника таълими давлат қўмитасида бош назо-ратчи ҳамда Сергели туман халқ таълими бў-лимида бош назоратчи сифатида таълим-тар-бия ишларини ташкил этиш, такомиллашти-риш масалаларини ҳал этишга салмоқли ҳис-са қўшди.

Таълим-тарбияда мактаб билан жамоатчи-лик ҳамкорлигига катта эътибор Саттор ака-нинг маҳалла аҳли, умуман аҳоли ўртасида кенг танилиши, уларнинг алоҳида ҳурмати-ни қозонишида катта роль ўйнади. Иккинчи то-мондан кенг омма билан алоқа орқали у ха-лқнинг турли табақалари ҳаёти билан чуқур-роқ танилиш, унинг қувончу ташвишларидан хабардор бўлиш, маҳалла аҳли нима билан нафас олаётганини ақиндан ҳис этиш имко-нига эга бўлди. «Сергели-2» мавзесида шу йил бошида ташкил топган «Нилуфар» маҳал-ла аҳли кўнчилиги синиашта С. Ибрагимовни маҳалла оқсоқоли этиб сайлади.

Парламентимизнинг XIV сессиясида Прези-дентимиз Ислам Каримов: «... Биринчи нав-батда, бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўл-дириш, кишиларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий мухофа-за қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идо-ралари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бош-қариш органлари томонидан ҳал этилиши ке-рак. Айни шу йўл билан биз фуқаролик жа-миятининг мустаҳкам асосларини барпо эти-шимиз мумкин», — дея таъкидлагандилар.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ДЕПУТАТНИНГ ОЛИЙ БУРЧИ

Мамлакат парла-менти депутати бўлиш бугунги кунда улкан масъулият оқлайди. Мамлакат ва жамият тараққиётининг стра-тегиясини белгилаб берувчи, инсон ва унинг эҳтиёжларини тобора тўлароқ қонди-риб борувчи, халқи-мизнинг муносиб ҳаёт тарзини қарор топти-ришга хизмат қиладиган қонунларни ишлаб чиқиш, уларнинг изчил ижросини таъминлаш-да фаол қатнашиш, бу борада ташаббускор бўлишга депутатлик мандатини оқлаши мум-кин.



Шу маънода бутун умрини малакали мил-лий кадрларни тайёрлаш, ёш авлод таълим-тарбиясини ташкил этишга бағишлаб келаёт-ган, олий бошқарув идораларида маъсул хо-дим, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари си-фатида катта ҳаёт таърибасини ортирган, сў-нгги икки йил мобайнида шарқона демокра-тик ҳаёт тарзи намунаси — Республика «Ма-ҳалла» хайрия жамғармасига раҳбарлик қи-либ келаётган олим, ҳуқуқшунослик фанлари до-ктори Шухрат Илҳомович Жалиловнинг **20-Шайхонтоҳур сайлов округидан** Ўзбеки-стон Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилиши ғоят адолатли иш бўлган, дей-иш мумкин.

Ш. Жалиловнинг бутун онгли ҳаёти одам-лар кўз ўнгиде халққа, эл-юртга хизмат қи-лишининг ёрқин намунаси сифатида кечмоқда. Шухрат Илҳомович, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раҳбари, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши раиси сифатида ҳам таъминланган ои-лаларга ҳар томонлама ёрдам бериш, оналар ва болаларни муҳофаза этиш, ёшлар учун ян-ги иш жойлари ташкил этиш, мамлакатимиз-ни ҳудудда ижтимоий берқарорлиқни таъмин-лаш ишларида жонбозлик кўрсатиб келяпти.

— Жамият ва давлат ривожига қонунчилик-нинг аҳамияти катта, — дейди Шухрат Илҳо-мович. — Ушбу ривожланишнинг демократик йўлдан олишга бориши қонунларнинг юксак малакалилиги ва савиясига боғлиқ. Қонунчи-лигимизнинг бугунги ютуқ ва камчиликлари менга яхши аён. Агар халқ ишончига сазовор бўла олсам, биринчи навбатда парламенти-мизнинг қонун яратувчилик фаолиятини тако-миллаштириш, қабул қилинган қонунларнинг сўзсиз ижросини таъминлашга қаратилган омилларнинг ишлаб чиқиши учун кураша-ман.

ШУҲРАТ ТОПГАН АЁЛ

Узоқ йиллар мо-байнида бизда тор малакали тиббиёт ха-м ш и р а л а р и тайёрланиб келган. Яъни ҳамшира асо-сан игна санчиш ва дори тарқатиш би-лан шуғулланарди. Асосий талаб ҳам қарийб шундан ибо-рат эди. Албатта, бундай ҳолат жаҳон андозаларидан анча узоқ эди. Уларга кўра ҳамшира ҳам хаста-ликнинг кечиси, унинг муолажаси таъсир-чанлигини кузата олиши, беморни дард-дан халос қилишда шифокорнинг энг яқин ёрдамчиси, зарур ҳолларда маслаҳатчиси ҳам бўла олиши керак.



Мазкур масала кўплар қатори тиббиёт фанлари номзоди Турсунхон Умаровани ҳам ўйинчилар қатори қўйиб келарди. Ниҳоят, у би-ринчилар қатори ўзи раҳбарлик қилиб ке-лаётган Йўлдош Охунбобоев номли рес-публика тиббиёт билим юртида ҳамшира-лик таълимининг ислох қилиниши бошлаб юборди. Унинг асосида ҳамширани врач-нинг энг яқин ёрдамчиси қилиб, зарур бўл-ганда — фавқулодда ҳолатларда муолажа тури, шакли ва амалиёти бўйича мустақил ҳаракат қила оладиган юксак малакали, кўп профили тиббиёт ходими қилиб етишти-риш ғояси ётарди.

Ташаббускор, серғайрат, тиниб-тинчимас раҳбарнинг сай-ҳаракатлари соҳа мутахас-сислари ҳамда тиббий хизмат ташкилотчи-лари, кенг жамоатчилик эътиборидан чет-да қолмади. Унинг билими, ташкилотчилик истеъдоди ва ғайрати бугунги кунда жа-миятимизга хизмат қилмоқда. Т. Умарова бирийўла бир қанча муҳим жамоатчилик иш-ларини бошқармоқда. У тиббиёт билим юр-тлари директорлари республика кенгаши-нинг раиси, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги ҳамширалик таълими-ни ислох қилиш комиссияси раҳбари. Соғ-лиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий қўмитаси аъзоси ва ниҳоят «Хам-шира» журнали тахрир ҳайъатининг ҳам аъзоси, кўпгина халқаро анжуманлар иш-тирокчиси.

Турсунхон Умарова ўзининг фидойили-ги, журъатлиги, тўғри сўзлиги ва ўзига ҳамда атрофдагиларга талабчанлиги билан, эл-юрт ташвишига ҳамдардлиги билан хур-мат ва эҳтиромга сазовор бўлиб келмоқда. Ана шу хурмат туфайли яна бир бор эл назарига тушган Турсунхон Юсуповна Ума-рова фуқаролар ташаббускор гуруҳи то-монидан **20-Шайхонтоҳур сайлов округи-дан** республика Олий Мажлиси депутатли-гига номзод этиб кўрсатилди.

ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯ НАМУНАСИ

Шуниси диққатга сазоворки, жамоа бў-либ яшашнинг ноёб кўриниши ҳисоблан-ган маҳалла аъённа-лари инсон шаънини улуглаш, қувончу таш-вишларни баҳам кў-риш, ёш авлодни му-носиб тарбиялаш, ҳа-шар йўли билан бир-бирларининг оғирини енгил қилиш ҳамда эзгуликларга хизмат қи-лади.



— Шунинг учун ҳам Юртбошимиз ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим шакли бўлган ма-ҳалла алоҳида эътибор бериб келмоқда, — дейди Халқаро муҳандислар академиясининг муҳбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Эркин Қосимов.

Эркин Қосимов ўзини-ўзи бошқаришнинг маҳалла тизими ривожланишининг жонқуяр-ларидан бири. Янги инсонни тарбиялашда, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорлик-ни мустаҳкамлашда республикамизда маҳал-ланинг ўрнини боса оладиган тизим йўқ, — дейди у.

Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги Исламобод маҳалласи ҳаммага маълум ва машҳур. Унинг таърибаси ва ибратли ишларидан кўпчилик ма-ҳалла фаоллари баҳраманд бўлишган. Эркин ака шу маҳалла фуқаролар йиғини раиси — яъни оқсоқоли, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси илмий кенгаши, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши аъзоси. Фуқаролар та-шаббускор гуруҳи уни **21-Оқлон сайлов ок-ругидан** Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатиб, катта ишонч билдирди.

Номзод Эркин Қосимовнинг саловолди да-стурида қонунчиликни такомиллаштириш, аҳо-ли кенг табақалари ижтимоий ҳимоясини ку-чайтириш билан боғлиқ масалалар билан бир-га, Ўзбекистонда XXI аср маҳалласининг ин-фратузилмасини ишлаб чиқиш ва унинг тарқи-би, меъморий-режавий ечимларини аниқлаш, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада кенгайтириш, маҳалла ҳудудда бунёд этилаётган ва этиладиган соғлиқни сақлаш, маданий-маиший, савдо ва бошқа хизматлар шохобчалари билан муносабатларни татибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш бўйича тақлифлар бор.

